

ЖАШЛИК СЎЗИ



1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

25 январь, пайшанба, 1996 йил
Сотува эркин нархда. № 18 (1271)

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ



СУРАТДА: қабул пайти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 24 январь куни Франциялик таниқли тadbirkор Эндрю Гелфини қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон билан Франция ўртасидаги муносабатлар, жумладан, иқтисодий ва маданий соҳадаги ҳамкор-

лик тобора ривожланиб бораётгани, Франциянинг кўплаб машҳур фирма ва компаниялари республикада самарали фаолият кўрсатаётганини қайд этиб, ўзаро манфаатли алоқаларни янада равнақ топтириш борасида ҳали талай имкониятлар мавжудлигини таъкидлади.

Эндрю Гелфи Франциялик тadbirkорларнинг Ўзбекистонга қизиқиши юқори эканини айтиб, уларни мамлакатимизга сармоя киритишга жалб этишда барча имкониятларни ишга солишини айтди.

Сўхбат чоғида Франциялик сармоядорлар билан ҳамкорликда ишлаб чиқил-

ган бир қанча йўналишлардаги лойиҳаларни тезроқ ҳаёtgа жорий этиш ва иқтисодий алоқаларни янада ривожлантиришга доир масалалар муҳокама этилди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазир Уткир Султонов ва бошқа расмий кишилар иштирок этди. (ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ ТЎЛОВ ИНТИЗОМИНИ ВА ЎЗАРО ҲИСОБ- КИТОБЛАР ТИЗИМИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот учун ҳисоб-ки-тоблар тизimini мустаҳкамлаш, тижорат банклари, корхоналар ва ташкилотларнинг тўлов интизомига риоя қилиш учун жавобгарлигини ошириш, ўзаро қарзларни қисқартиришни таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, «Ўзсаноатқурилишбанк», «Пахта-банк», «Галла-банк», «Мевасабавотбанк» ва бошқа тижорат банклари корхоналар ва ташкилотлар томонидан қалфотланган тўловларсиз маҳсулот етказиб берилишига йўл қўймаган ҳолда, уларнинг ўзаро ҳисоб-ки-тоблари тизими устидан қаттиқ назорат ўрнатсинлар.

2. Вазирликлар, идоралар, концернлар, корпорациялар, уюшмалар, мулкчилик шаклиларидан қатъи назар, корхоналар ва ташкилотлар:

республика истеъмолчиларига маҳсулотларни етказиб бериш ҳажмининг камида 15 фоизига олдиндан ҳақ тўланган ҳол-

дагина юклаб жўнатсинлар;

харидорларга хизмат кўрсатувчи ваколатли банкларнинг қалфотлари мавжуд бўлганда, тўловлар олингандан, аккредитив очилгандан кейин экспортта маҳсулот етказиб бериш (ҳизматлар кўрсатиш) юзасидан контрактлар тўзинлар ва уларни бажарсинлар.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг Бош божхона бошқармаси харидорларга хизмат кўрсатувчи банкларнинг қалфотли олингани тўғрисида ваколатли банкнинг тасдиқловчи ҳужжатлари мавжуд бўлмаган тақдирда товар-модлий бойликларнинг республикадан ташқарига чиқарилишига йўл қўйма-син.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси 1996 йил 1 февралдан бошлаб бухгалтерия ҳисоби тизимига корхона ва ташкилотлар балансларида тўлов муддати ўтиб кетган дебиторлик ва кредиторлик қарзларини корхоналар ва ташкилотларнинг раҳбарлари билан биргаликда шахсан жавоб берадилар.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Молия вазирлиги, Марказий банк ва Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда бир ой муддатда амалдаги қонунчиликка ушбу Фармондан келиб чиққан ўзгаришлар ва қўшиқчаларни киритиш юзасидан таклифлар тайёрласин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1996 йил, 24 январь.

ИСЛОМ КАРИМОВ — ХАЛҚАРО АКАДЕМИЯНИНГ ФАХРИЙ АЪЗОСИ

Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларни амалга оширишда юз бераётган ижобий силжишлар, республика-мизнинг ҳақиқий демократик жамият қуриш йўлидан далил бораётгани халқро ҳамжамият томонидан тобора кенг эътироф этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг тинчликни сақлаш, ҳозирги мураккаб сиёсий шароитда Ўзбекистонда миллий зиддиятларнинг олдини олиш борасидаги улкан хизматлари учун Фанлар, таълим, индустрия ва санъат Халқро академиясининг фахрий аъзоси этиб сайлангани тўғрисида Америка Қўшма Штатларидан келган хушxabар бу фикрнинг яна бир далилидир.

Фанлар, таълим, индустрия ва санъат Халқро академияси Калифорнияда турли мамлакатлар вакиллари томонидан ташкил этилган бўлиб, олимлар, сиёсат ва маданият арбобларининг сaъй-ҳаракатларини бирлаштиради. Унинг асосий мақсади — Европа, Осиё ва Америка халқлари ўртасидаги аҳилликни мустаҳкамлашдан, турли мамлакатлар мутахассисларининг сaъй-ҳаракатларини жишлштириш йўли билан ҳали юзага чиқмаган илмий соҳалар, ютуқлар ва индустриал ресурсларни амалга оширишга қўмаклашишдан иборат.

Бу эзгу юзларни амалга ошириш мақсадида Нью-Йоркда, Каналада, Францияда, Москвада, Новосибирскда, Украинада, Грузияда, Эстонияда, Қирғизистонда академия филиаллари ишлаб турибди.

Атоқли сиёсий арбоблардан АҚШ Президенти Жорж Буш, Грузия Президенти Эдуард Шеварднадзе, тинчлик соҳасида Нобель мукофоти лауреати Ригоберта М. Тум маъқур академиянинг фахрий аъзоси этиб сайланганлар.

Ислам Каримовни самимий қутлаган академия президенти Михаил Бахмутовий Ўзбекистон Республикаси Президенти Марказий Осиёда биринчи бўлиб бу Халқро академиянинг фахрий аъзоси этиб сайланганини таъкидлади. У шунингдек, Ислам Каримовнинг ўтишлари шароитида тинчликни сақлаш ишига қўшган ҳиссасининг бундай эътироф этилиши Ўзбекистон ва Америка Қўшма Штатлари жамоатчилиги учун алоҳида аҳамиятта моллик эканини қайд этди. (ЎзА).

Ўзбекистон ва жаҳон ВАТАНДОШЛАР УЧРАШДИ

Ўзбекистон Республикаси Халқро алоқалар миллий уюмисида Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган ватандошларимизнинг учрашуви бўлиб ўтди. Унда олимлар, ёзувчилар, жамоат ташкилотларининг вакиллари иштирок этди. Учрашувни уюшма расми М. Мирқосимов бошқариб.

Бугунги дийдорлашувдан мақсад уюшма қошида «Ватандошлар» жамиятини тузиш, унинг фаолияти орқали хорижда яшаётган юртдошларимизнинг кўмагида бугунги кунда Ўзбекистонда қўлга киритилаётган ютуқлар ҳақида дунё халқларини хабардор қилиб боришидир, — деди у. — Бу эса ўз навбатида ҳамкорлик алоқаларини яхши йўлга қўйиш, узоқ йиллар давомида ватандошлар билан узидиб қолган ришталарни мустаҳкамлаш имконини беради. Шунга таъкидлаб ўтиш керакки, ҳозирнинг ўзидаёқ ўзга юртларда истиқомат қилаётган тadbirkор ватандошларимиз иқтисодий алоқаларни ривожлантириш бўйича анча ишларни амалга оширдилар. Масалан, туркиялик юртдошимиз Олимбек Ойдин ўз сармояси ҳисобига Наманганда қўшма корхонани ишга туширди.

Учрашувда АҚШ, Австралия, Туркия, Сурия, Афғонистон ва бошқа мамлакатлардан келган юртдошларимиз билан бир қаторда Ҳиндистондан, Тошкентга ўқинишга келган Бобурийлар алоқининг тўрт нафар вакили ҳам қатнашди. Уларга эъдилик совғалари топширилди.

Ғ. ЮСУПОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

МАҚСАД — АМАЛИЙ ЁРДАМ БЕРИШ

Қуни кеча бўлиб ўтган Вазирлар Маҳкамасидаги мажлисда Президент Ислам Каримов пахта ва галла етиштиришни кўпайтириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб бериш бўйича шартномалар тузиш ишларини такомиллаштириш, бунда монополиячи ташкилотларни деҳқонларга таъйиқ ўтказишга йўл қўймастик зарурлигини таъкидлаган эди.

24 январь куни Тошкентда 1996 йилги қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш бўйича контрактация шартномаларини тузиш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлди. Унда тегишли вазирлик ва идоралар, корпорация ва уюшмалар, банклар ва ташкилотларнинг раҳбарлари, мутахассислар қатнашди.

Йиғилишнинг республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков бошқариб.

Йиғилишда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини шартномалар бўйича харид қилиш борасида ўтган йили йўл қўйилган хато ва камчиликлар кескин танқид қилинди. Ана шу ишга мутасаддилар олдида турган вазифалар белгилаб олинди. Шунингдек, бу йилги контрактация шартномалари тузиш борасидаги ишларни ўрганиш учун жойларга юбориладиган гуруҳлар таркиби эълон қилинди. Улар зиммасига шартномалар тузилишининг аҳволини ўрганиш, маҳсулот етиштирувчилар билан тайёрловчи ташкилотларга бу борада амалий ёрдам кўрсатиш вазифаси юклатилди. (ЎзА).

ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛАР

Яқинда мангитлик тadbirkор С. Абдуллаев оила аъзолари билан кир совун ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Тadbirkор хомашё сифатида шаҳар маҳаллаларида сўйиладиган мол суякларидан фойдаланмоқда.

Ҳозирда оилавий тadbirkорлар томонидан ҳар кунга тайёрланадиган икки минг дона кир совун Амуларё тумани дўконларида сотилаётган. Лекин, улар яқин орада ишлаб чиқариш ҳажмининг 4 баробар ошириб, ўз маҳсулотларини қўшни туманларга ҳам сотиш учун чиқаришни ниятдадир.

Ҳайитбў АБДУСОДИҚ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ҒАЛЛАСИ БОРНИНГ КЎНГЛИ ТЎҚ

ДўСТЛИК туманидаги М. Дадажонов номли ижарашаркитлар бирлашмасида икки йил ичида галла майдонлари 850 гектардан икки миң гектарга кенгайди. Бултур бу ерда сувли ғалланнинг ҳар гектаридан 40,4 центнердан ҳосил олинди.

Етиштирилган бугдойнинг учдан бир қисми аҳолига тарқатилди. Кам таъминланган ўн олти оилага галла эллик фоиз арзонлаштирилган нархда, саккиз оилага эса текин берилди.

Ўрим-йиғим тақдирини белгиланган комбайнчилар меҳнати ҳам рағбатсиз қолмади. Уларга иш ҳақи, мукофот тариқасида галла берилди. Айни қиш пайтида оддий ишчилардан Н. Расулов, П. Турашев, С. Ҳамроевлар оиласида 1,5-2 тоннадан, комбайнчилардан Н. Таймонов, М. Динисломовлар хонадонидан уч тоннадан зиёд дон захираси бор.

Чўлуварлар ўзлари етиштирган бугдойни ҳамқишлоқлари фермер Эшмурод

ШАЙМАРДОНОВ ТЕГРИМОНДА УН ҚИЛИБ, НОН ЁПМОҚДА.

— Рағбат, манфаат бор жойда иш юришди — дейди бирлашма расми Мунаввар Собиров. — Бунинг исботи сифатида биргина рақамни келтирамиз: деҳқонларимиз қиш деб бекор ётганлари йўқ, икки миң гектардаги сувли ғалланни бир марта озиклантириб, тўлиқ сугордилар.

Ҳозир ян-яшил далалар бу йил ҳам дон мўл бўлишидан дарак бермоқда.

Ҳ. НАБИРАЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН: ИСТИҚОЛ ОДИМЛАРИ

«Халқ сўзи» ва ЎзА мухбирлари хабар қилдилар

СОҲИБҚИРОН ҲАҚИДАГИ КЎРГАЗМА

Фарғонадаги «Ал-Фарғоний» номи алоқат кутубхонасида Амир Темур тавалудининг 660 йиллигига аталган «Буюк соҳибқирон ва саркарда» мавзуда китоблар кўргазмаси очилди.

Кўргазмага буюк бобоқолонимиз ҳаёти ва саркардалик фаолияти тўғрисида ҳикоя қилувчи китоблар, илмий мақола ва бадиий асарлар қўйилди.

ТЕМИР ЙЎЛ ҚУРИЛИШИ ЖАДАЛЛАШАЯПТИ

Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларининг иқтисодий жиҳатдан янада ривожланиши учун пайҳотда катта аҳамиятга эга бўлган Ғузур-Бойсун — Кумўртон темир йўлининг қурилиши бошланганига бир ойдан кўпроқ вақт ўтди. Қаршн темир йўл бошқармаси йулсозлари айни куларда илж релсларни ўрнативангати. Темир йўл қурилишининг икки миң йилгача тугаллан кузда тугалмоқда.

СУРАТДА: кранчи Ш. Тўраев.

ҲАМКОРЛИК МАҲСУЛИ

Хева туманида ўзбек-турк «Мавералласт» қўшма корхонаси иш бошлаганига бор-йўри бир йил тўлди.

Шу қисқа фурсат ичида корхона ишлаб чиқараётган маҳсулотлар харидорлар тилига тушди.

Яқинда эса корхонада меbel цехи иш бошланди. Ҳозир уй жиҳозлари — болалар стуллари, кроватлар, китоб ва кийим жанонлари тайёрланмоқда. Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлигининг виллоят бўлими ўз идораси хоналарини бириктирилган бўлиб «Мавералласт» меbelлари билан жиҳозланди.

ЭЪТИРОФ

Чет эл оммавий ахборот воситаларининг мамлакатимиз, унинг ҳаётига бўлган қизиқиши тобора ортиб бормоқда. Европанинг энг кўхна ва мўтабар газеталаридан бири бўлмиш «Таймс» (Буюк Британия) шу йил 19 январь куни чоп этилган махсус иловасини бошдан оёқ Ўзбекистонга бағишлагани бунинг яна бир далилидир. 40 саҳифадан иборат бу иловлада мамлакатимиз ҳаётида мустақилликдан кейин юз бераётган иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ўзгаришлар, тарихимиз ва маданиятимизга оид мақолалар, ранг-баранг суратлар ўрин олган.

Президент Ислам Каримов газетани берган интервьусида Ўзбекистон соёқ СССРнинг хомашё базисига айланган қолгани, халқнинг маънавияти ва маданияти сиқувга олиб келингани, бугунги кунда эса аҳвол ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий жиҳатдан кескин ўзгараётгани ҳақида сўз юритди. Президент чет эллик ишбилармонлари ўзаро манфаатли ҳамкорликка даъват этар экан, Ўзбекистон бозорини ўрганиш вақти тугаб, амалий ишга киришиш пайти

SEARCH FOR AN IDEALITY... TRANSPORT OF PASSENGERS... SILENT BOARD TRAVELERS...

UZBEKISTAN

British firm signs gold mines deal

сотиқ ва саноат кенитанининг ҳаммаси Ж. Брейнинг «Сармоядорларнинг ишончи ортомқда» мақолалари ўрин олган. Мақолалар муаллифлари Ўзбекистондаги иқтисодий ислохотлар муваффақияти халқро молни муассасалари, хусусан, Халқро валюта фонди ва Жаҳон банки томонидан эътироф этилаётганини қайд этди.

Аксарият мақолалар Ўзбекистон Буюк Британия иқтисодий ҳамкорлигини бағишлаган. Пахта ва тамакни етиштириш ва уни қайта ишлаш, олтин қазиб олиш, ҳаю йўди, сайёҳлик каби соҳалардаги алоқалар шулар жумласидандир.

«Буюк Британия фирмалари янги имкониятларни қўлдан чиқарманг» мақола-сида Ўзбекистон иқтисодийига катта миқдорда сармоя киритаётган «Бат индустри» ва «А. Мередиж жонс» компанияларининг ўзбекистонлик шериклари билан ҳамкорлиги муваффақиятли ривожланиётгани таъкидланган. Бундан ташқари, газетлада нефть-газ саноати, қишлоқ хўжалиги, машинасозлик, энергетика, маданият, тарих каби мавзуларда ҳам кенг ўрин берилган. Республикаимизнинг етказиб бериш корхоналари ва муассасалари унда ўз рекламалари билан иштирок

этан. Бу, шубҳасиз, Ўзбекистон иқтисодийига чет эл сармояларининг янада кўпроқ оқиб келишига, биз билан ҳамкорлик қилишни истеган хорижий ишбилармонлар ва компаниялар сонни кўпайтишига сабаб бўлади.

Англияннинг Юнемедиа ахборот агентлиги ҳамда «Таймс» газетаси ҳамкорликда чоп этган маъқур илова Ўзбекистонни дунёга танитишда, у ҳақда ҳаққоний ахборот ёйишда, мавжуд ахборот тақчиллигини бартараф этишда яна бир муҳим қадам бўлди, дейиш мумкин. Шуниси диққатга сазоворки, агентлик мухбирлари Таиза Боке ва Ариан Беннок илова учун мақолаларни ўтган йил республикаимизга келиб, бир неча ой мобайнида унинг ҳаёти билан бевосита танишиб тайёрланган.

Маъқур илова Ўзбекистондаги иқтисодий ислохотлар муваффақиятини амалга оширишнинг йўлини, Ўзбекистон ҳар қандай талабчан ишбилармон, сармоядор ёки компания учун ҳам ишончли ҳамкор эканини яна бир эътирофидир. (ЎзА).

Бизнинг шарҳ

Утган ҳафта Москвада ўтказилган Мустақил Давлатлар Ҳамдустлиги давлатлари раҳбарларининг навбатдаги кенashi кўнчилигини диққат марказида турди...

Иқтисодий жипелашувдан мустақил давлатларнинг ҳар бири манфаатдордир. Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов бошчилигидаги ифузули делегация қатнашди...

ҲАМКОРЛИК САРИ ЯНА БИР ҚАДАМ ТАШЛАНДИ

билан боғлиқ масала марказий уринини эгаллади. Бу бежиз эмас, албатта. Собиқ СССР парчаланиб кетгач, иқтисодий алоқалар узилди...

латлари иқтисодий ҳамкорлиги ҳақидаги биринчи битим 1957 йилда Римда имзоланган бўлса, интеграция жараёни 35 йилда чуқурлаштирилди...

марта узайтирилмоқда. Ҳар бир давлат ўз чегараларини ўзи қуриқлаши лозим. Бордию бунга кучи етмаса, ердан бераётган давлатларнинг шартларини қабул қилиш керак...

ларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёт даражаси бир-бирига яқин эди. МДХга аъзо бўлган давлатларнинг иқтисодий, ижтимоий тараққиёт даражаси бир-биридан анча фарқи қилади.

Грузияда тинчлик урнатилиши ягона йўли унинг ҳудудий яхлитлигини эътироф этиш, Абхазиянинг Грузия таркибига бўлишидир. Абхазияга курсатилганидан ҳар қандай ёрдам Грузия орқали бўлиши керак.

Анвар КАРИМОВ, «Халқ сўзи»нинг жамоатчи муҳбири.

ҚИММАТБАҲО ҚОҒОЗ ЭҒАСИ БЎЛСАНГИЗ, ЮТАСИЗ, ФАҚАТ!

(Репортаж)

Бугунги бозор муносабатлари шароитида миллий валютанинг қадрини ошириш, унинг товар билан таъминланганини йўлга қўйиш, аҳоли қўлидаги бундай маблағларнинг жалб этиш борасида ҳукуматимизнинг бир қатор Фармон ва қарорлари эълон қилинмоқда.

Бу борадаги тadbирлардан бири қимматбаҳо қоғозлар ишлаб чиқарилаётганлигидир. Қимматбаҳо қоғозлар бундай пул маблағларини жалб этиш билан бирга пулнинг айланганини оширишга ёрдам беради...

зиёб корхона ва ташкилотлар иштирок этиди. Унда «Ўзметабазавотузумсановат» уюшмасига қарашли Паркент-Шароб ҳиссадорлик жамиятининг номинал қиймати 250 сўм бўлган акцияси 1750 сўмга, Хива парандачилик-ҳиссадорлик жамиятининг 500 сўмлик акциялари 4300, «Ўзбексавдо» уюшмасининг Хоразм вилоятидаги «Баққоллик» ҳиссадорлик жамиятининг 1000 сўмлик акциялари эса 8000 минг сўмга кўтарилиб кетди...

оширворган бўлмай! Лекин акция чиқса харид қилётганлар кам эмас. Биз акция сотиб олиб сумкасига жойлаётган опани суҳбатга тордик. У киши ўзини Замира Солихова, деб таништирди. — Неча сўмга акция сотиб олдингиз? — 1500 сўмга. — Қайси ташкилотники? — «Пахтабанк»ники. — Неча айнан унинг акцияларини олдингиз? — Тугриси айтсам, акцияларнинг фарқига учма бормайман. Турмуш ўртоғим иқтисодий бўлиб ишлайди, «Пахтабанк» акциясини олишни у киши маслаҳат бергандилар. Ишонимизки, бу банк ўз акциядорларини доғда қолдирмайди.

Ҳа, халқимизнинг қимматли қоғозларга бўлган ишончи тобора ортиб бормоқда. Яқиндагина акция нималигини билмаган кишилар бутунги кунда уни ишонч билан харид қилишмоқда. Мазкур брокерлик идорасининг директори Дилмурод Раҳимовнинг таъкидлашича, биргина ўтган йилнинг апрелидан шу йилнинг якунига қадар аҳолига 600 минг сўмлик акция сотуви йўлга қўйилди. Яъни 1300 киши ҳақиқий акция эгалари бўлишди. Биржада эса 85 миллион сўмлик акциялар сотилди. Яқин кунларда акция сотиб олганларга йиллик дивидендлар берила бошланди, — дейди у. — Харидорлар дўконларини эгаларга акция сотиб олиш учун қандай ҳужжатлар билан келиши керак? — Паспорти бўлса бас, у кишига хоҳлаган ташкилотнинг акциясини тақлиф қиламиз. Мазкур ташкилотлар тўғрисида батафсил маълумот ва маслаҳатлар ҳам берамиз. Дўконимиз харидорлар учун доимо очик. Шу ўринда бир нарсани ҳам қайд этиш зарурки, мақолага керакли фактлар тўплаш давомида кўпгина харидорлар билан қилган суҳбатимизда шу нарсани аниқландики, айримларда акцияларга нисбатан қандайдир ишончсизлик, пулнинг қўйиб қолмаймизми, деган ҳақик ҳам йўқ эмас. Уларга маслаҳатимиз шу: қимматбаҳо қоғоз эгаси бўлсангиз, асло ютқазмайси!

Баҳодир ОСТАНАКУЛОВ, «Халқ сўзи»нинг Банк ва қимматбаҳо қоғозлар бўйича шарҳловчиси.

Долзарб муаммо

«ИСПРАВКА»НИ МАҲАЛЛА БЕРИШИ КЕРАКМИ Ё «ЖЭК»?

САЛИМА ХОЛА БУ САВОЛГА ЖАВОБ ТОПОЛМАЙ, ҲАНУЗГАЧА САРСОН

Салима хола нафақада эмасми, уйда ўтириб зерикди. Бирор жойда ишлагиси, фойдали меҳнат билан шуғуллангани келди. Маслаҳатчи қўшини Халима холага олди. Халима хола янги «АТС»да иш боришини, қоровулликка илжиб бўлса, нафақадан биёр одам кераклигини айтиди. Унинг учун турар жойдан битта «исправка», агар бўлса меҳнат дафтарида ва қанча нафақа олаётганлиги ҳақида «райсоби»дан яна бир қоғоз ҳам кераклигини таъкидлади.

Маҳалла кўмиталари ўртасида турфа хил англашилмовчиликлар рўй бермоқда. Фуқаролар, айниқса, «дом» шароитида бир вақтинчалик ўзида иккита жой — ҳам «ЖЭК», ҳам маҳалла кўмитасидан уларнинг шаклини, оилавий ва мулкий ҳақоқини тасдиқловчи бир хил маълумотнома ҳамда қоғоз ҳужжатлар олишарди. Шунданми, одамлар Салима холадай ханузгача сарсон хайрон бўлиб юришарди.

ОШКОРАЛИКМИ, ОШКОРАЛИК

Наманган вилоят ички ишлар бошқармасида «Ишонч» телефони ташкил этилди. Ҳар бир фуқаро вилоятнинг исталган жойидан ушбу телефонга кўнгиноқ қилиб, ички ишлар бошқармаси ва унинг бўлимлари фаолияти ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдириши мумкин.

А. МАДАТОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.



Бухоро вилоятидаги Қоровулбозор нефтни қайта ишлаш заводи республикамиздаги зарбдор ишчилардан. Айни кунларда бу ерда қурилиш-монтаж ишлари юксак суръатда олиб борилаётган.

СУРАТДА: Бухоро қурилиш-монтаж бошқармаси пайвандочисини Зариф Ғуломов иш устасида.


Т. ҲАМРОКУЛ олган сурат.

Сўраган эдингиз САВОЛ БЕРИҢГ, ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Хурматли тахрират! Акцияларни қардан сотиб оласанми? Умуман шаклини акциялар сотадиган дўконлар мавжудми?

О. СОЛИЕВА, Тошкент шаҳри.

- Сиз акцияларни «Тошкент» республика қимматбаҳо қоғозлар биржасининг қуйидаги брокерлик идора дўконларидан сотиб олишингиз мумкин: 1. «Жам» инвестиция компаниясининг 6-брокерлик идораси, Тошкент шаҳри, Чилонзор кўчаси, 1. Тел: 77-13-44. 2. 10-брокерлик идораси, Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 2. Тел: 34-42-21. 3. 14-брокерлик идораси, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони 5. Тел: 39-41-76, 39-14-09. 4. 19-брокерлик идораси, Тошкент шаҳри, Ф. Хужав кўчаси, 34. Тел: 62-74-33. 5. 20-брокерлик идораси, «Аверс» компанияси, Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси 5. Тел: 41-01-69. Юқорида номлари қайд этилган брокерлик идораларга паспортингиз билан борангиз истаган ҳиссадорлик жамиятларининг акциясини харид қилишингиз мумкин. Уларни танилашда сизга мазкур брокерлик идораларининг мутахассислари яқиндан ёрдам беришади.



ЛОЙИҲА СЕНТЯБРЬ ОЙИДА ТАЙЁРЛАНАДИ

Женевда БМТнинг қуролсизланиш бўйича навбатдаги конференцияси бошланди. Бу галги анжуман кун тартибидagi асосий масалалардан бири ядро синновларини бутунлай тақиқлаш бўйича шартнома лойиҳасини тайёрлашдир.

АРМИЯ ҚАЙТА ҚУРОЛАНТИРИЛАДИГАН БЎЛДИ

Тайван ҳукумати 1997 йилда ҳарбий мақсадларга ажратилган бюджет харажатларини яна 13 фоизга қўпайтириш ниътида. Олинган маълумотларга кўра, мамлакат ижронга кенгаши 1996 йил июль ойидан 1997 йил июль ойигача ҳарбий мақсадларга 290 миллиард Тайван долларини (11 миллиард АҚШ долларини) миқдорда маблағ ажратишга қарор қилган.

ВАЗИР РАД ЭТДИ

Ливан миллий мудофиа вазири Моҳсен Даала вазири Исроил тинчлик урнатилиш жараёни масаласи бўйича янги музокаралар олиб бормоқда, деган хабарни бутунлай рад этди.

ИККИ КУНАК САФАР

Германия Федератив Республикаси ташқи ишлар вазири Клаус Кинкел икки кунлик расмий сафар билан Грузияга келди.

ЙИРИК КОНЛАР ЎЗЛАШТИРИЛАДИ

Ҳиндистон Қозғоғистондаги икки йирик нефть қонини ўзлаштиришда ҳамкорлик қилиш ниътида.

ОДАМЛАР БОШПАНАСИЗ ҚОЛДИ

Канаданинги жанубий вилояти Квебекда кучли қор бўронларидан сўнг об-ҳавонинг исб кетиши маҳаллий аҳолини ташвишга солиб қўйди.

ВЕРТОЛЁТЛАР ОҒУГА ҒОВ

Мисрда наша, кўкнори сингари оғу экинзорларини қасф этиш ва уларни йўқ қилишда вертолётдан фойдаланишга ўтилаётган бўлди. Миср ички ишлар вазири, генерал Ҳасан ал-Алфи мамлакатнинг чекка жойларига учрайдиган наша, кўкнори сингари оғу экинзорларига қарши курашда мақсадда вертолётлар билан таъминланган ҳаво қўриқчилари тузиш масаласи ўрганилаётганини хабар қилди.

Исмет ХУДОЕВОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

БОҚИМАНДАЛАР

(Фельетон)

«Дўстлик» шаҳри ҳудудидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалигида чорва фермаси қайтадан жамоа мулкига айлантирилди. Нега?..

Ёқилги-мойлаш маҳсулотларининг тақчиллиги ва уларнинг таянчлиги тўхтовисиз охиб бораётганлиги ҳақидаги хабарларнинг матбуотда ilk бор пайдо бўлишига 10 йилдан ошди. Ушбу ҳолат кейинги йилларда шу даражада авжга чиқдики, натижада у энг катта муаммолардан бири бўлиб қолди.

Собиқ ҳиссадорлик жамиятига тегишли мулкнинг асосий қисми — 650 бош қорамоли, мавжуд сутчилик фермаси ҳозирча хўжалик ихтиёрида. 2 миллион сўм атрофида баҳоланиши кутилаётган ферма ҳам келгусида танлов асосида «Ким ошди»да сотилиши керак. Лекин, сутчиликнинг даромадидан бурмади кўп, азоб-машаққати бисёр. Уни юрак ютиб харид қиладиган мард топилавермади? Шаҳар сут заводи ҳиссадорлардан йил бўйи харид қилган суги учун 130 минг сўми ҳамон тўлагани йўқ. Бу ҳолат шаҳардаги ҳиссадорга ҳам, мулкдор учун ҳам, шахсий фермер ёки жамоа хўжалиги чорвалари учун ҳам янгилик эмас.

«Ўзбекистон»га чегарадош Гагарин номи жамоа хўжалигида «Обод» ҳиссадорлик жамияти тuzилган эди. Аммо бу ердагилар ҳам қўшниларидан қолишмади. Чорва бош сони камайди, маҳсулот етиштиришда орқага кетилди. Ҳар бош соғин сугиран олдин суги микдори 70 килограммгача камайди. Ҳиссадорлар ўтган йилни зўра учма-уч аяқлашди, на фойда қўришди, на зарар. Раҳбарлар учун «Ўзбекистон»даги аҳвол билан таққослаб, нисбатан яхши деб баҳолаш мумкин. Шунинг учун ҳам хўжалик раиси С. Аҳмедов: «Қишлоқ учун ҳар бош молда 18 озуқа бирлиги миқдорда озуқа жамғарилган. Утган икки йил ҳиссадорлар учун сабоқлар дари бўлди. Энди ўнгиланиш дари бошланмоқда. Худо хоҳса, шу йил тармоқда кескин ўзгариш қилиш, фойда соҳага айлантириш учун бутун сайё-ҳаракатлар бошланади...» дея изоҳ берган бўлади. Қани эди шундай бўлса.

Мулкчиликнинг янги турлари юзага келиб, қишлоқда иқтисодий ислохотлар ilk самара бераётган бир даврда ҳиссадорлик жамиятининг бечора аҳволга тушиб қолгани томоша қилиб ўтириш инсофданмикин?..

Абдулла СОБИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири. Рузметбой ҲАСАНИ, «Халқ сўзи»нинг жамоатчи мухбири.

1993 йилнинг июнида муқаддам хўжалик тасарруфда бўлган чорвачилик комплекси масъулият чекланган ҳиссадорлик жамиятига айлантирилган. Ушунда 990 бош қорамол, 1540 бош қўй, 1300 дан зиёд парранда бор эди. Замонавий лойиҳа асосида қурилган ферма, Шихлар мавзесида бурдоқчиликка ихтисослашган ферма, бир қатор техника воситалари ҳам ҳиссадорларга мулк сифатида берилди. Кейин... ҳиссадорлар ўзларини қайтадан жамоа хўжалик олиши сўради. Сабоби — жамият ўз вазифасини эмал қилмади.

ДАСТАЛАБКИ мулкнинг ярмиши ҳам қолмади. Қорамоллар 60 фойза, соғин сугилар 18 фойза, қўйлар 60 фойза, паррандалар 87 фойзага камайди. Маҳсулот етиштириш ҳам икки баравар қисқарди. Олайлик, 1993 йилда 73 минг дона тухум етиштирилган бўлса, ўтган йили атиги уч минг дона тухум олинди, холос.

Шаҳар назорат инспекцияси ва агрохимият уюшмаси раҳбарлари имзоси билан шаҳар ҳокими номига берилган маълумотномада ҳиссадорлик жамиятининг бундай янги аҳволга тушиб қолшига сабаб қилиб, «ҳиссадорлик жамиятига ҳисоб-китоб билан ишлайдиган кадрнинг йўқлиги, ҳиссадорлар ўзларини «ҳиссадор» деб ҳисобламасликлари, жамоа хўжалиги уларга озуқа учун ер ажратиб бермаганлиги боис бор йўти қишлоғга 5-5,4 шартли озуқа бирлиги миқдорда ем-хашак тайёрлангани...» кўрсатилган.

Оқибатини айтганда, боқимандалликка одатланган кишилар — ҳиссадорлик жамияти раҳбарлари «хўжалик берса ейман, бермаса ўламан» қабилида иш туттишган. Утган даврда на жамоа хўжалигининг ўзи, на тайёрлов, на қайта ишловчи кор-

хона, на хизмат кўрсатувчи ташкилотлар билан ўзаро фойдали шартномалар тuzилмаган. Тармоқ қоғоздагина ҳиссадорлик жамиятига айлантирилган-у, аҳвол эскича қолаверган.

«Азаматлар» ўтган икки ярим йил давомида акция чиқаришга, ҳатто, ҳаракат ҳам қилишмаган. Оқибатда ҳиссадорлик жамияти ўз гарданига бир миллион сўмдан зиёд зарар юкледи. Бугун яна жамоа хўжалиги ихтиёрига ўтишган, хўжалик раҳбарлари бу зарарни ўз зиммаларига олишди.

Тармоқ учун масъул шаҳар раҳбарлари солир бўлган ўпирилиши ҳиссадорлик жамиятини бошқарган Юсуф Қаландаровнинг укувисизлиги, ишни ташкил этолмагани, лаёқатсизлиги билан боғлашмоқда.

...Шихлар мавзесидаги Иброҳим Рузиев ҳусусий мулк сифатида сотиб олган бурдоқчилик фермаси ишчиси Маткарим Мадаминовнинг сўзларини эшитиб ҳайратингиз ошад:

«Ҳиссадор бўлиб, бўлаганимиз бўлди. Вақтида маош ололмадик. Баъзида маош ўрнига чек беришди. Уни Хазораспдаги чайқов борзорида 25-30 фойза зарарида нақд пулга айлантирдик. Энди эса белгиланган маошнинг ўзи йўқ. Бошга тушганини кўз қўради-ю, аммо хўжалик ҳисобиди бўлганимиз яхши-да».

Бу — эскича фикрлаш. У оддий чорвадордан тортиб, мутахассис-у раҳбарлар учун ҳам бир баҳона. Ҳиссадорларнинг собиқ раҳбари Ю. Қаландаров ҳам худди шунинг тарафдори. Уч йил ичида эскича фикрини ўзгартира олмаган, боқимандаллик кайфиятидан қутилмаган кишини... ҳақиқатда шундай масъулятлиги ўрнига тавсия этганлар катта хато қилганлар.



Хатирчилик ишбилармон Ориф Норкулов туман марказида маший хизмат уйини қуриб ишга туширди. У раҳбарлик қилаётган «Учқун» кичик корхонасига қарашли ушбу марказ қурилиши учун керак бўлган нафис гилтлар ва безак учун сонал товоқларини Риштон бандий буюмлар ҳиссадорлик жамияти етказиб берди. Маший хизмат уйида сарпаторлик, тикши-бичиши, этик-дузлик, гузаллик салони ишлаб турибди. Шунингдек, бу ерда «Учқун» кичик корхонасига ишлаб чиқаришган товарлар ҳамда риштонликлар тайёрлаган чинни ва сонал буюмлар билан савдо қилувчи дўкон ҳам иш жозлар хизматиди.

Тадбиркорлик

КОСОНСОЙ ТУМАНИДАГИ ҚЎШМА КОРХОНА БИР ЙИЛДА 2,5 МИЛЛИОН ДОЛЛАР ҲАЖМДА ФОЙДА КЕЛТИРАДИ

Муҳими Эса, қишлоқ хўжалик техникасининг тўхтаб қолишига барҳам берилди

ТУМАНДА қишлоқ хўжалик техникаларининг узлуксиз ишлашига эришилди: эҳтиёт қисмларни эпидиолда шу ернинг ўзида тайёрлаш ва таъмирлаш йўлга қўйилди.

— Кейинги уч-тўрт йилдан буён четдан эҳтиёт қисмлар келмапти — дейди туман «Дехқон-машсервис» ҳиссадорлик жамияти раиси Валишер Бобохонов. — Шу пайтга қадар борлари ҳам тугаб, тўхтаб қолаётган машиналар қўпая бошлади. Қўл қовуштириб ўтираверган билан аҳвол яхшиланмаслиги боис биз уларни ўзимизда тайёрлашга аҳд қилдик.

Косонсойликлар, Литваннинг «Куроаппаратура» ҳиссадорлик жамияти билан алоқа боғлашди. Меҳмонлар маҳаллий раҳ-

ши таъминланмоқда. Қўшма корхона фаолиятининг яна бир диққатга сазовор томони шундаки, эндиликда қишлоқ хўжалик ходимлари ёниги насосларини таъмирлаш учун Самарқанд ёки қўшни Қирғизистонга бориб ўтирмайдилар. Корхона ишта тушиши билан бундай ортиқча харажатларга чек қўйилди. Айни пайтда корхонага нафақат Наманган вилояти, балки қўшни Фарғона ва Андижон вилоятларидан ҳам келишиб, ёниги насосларини таъмирлаб кетишмоқда. Ўз навбатида бу ҳамма учун қўл келаяпти.

Хозир корхонада ёниги насосларини тайёрлаш ва таъмирлаш цехи конвейр усулида узлуксиз ишлаб турибди. Бош муҳандис Маъруфхўжа Зокирхўжаев етакчи бўлган Аҳмаджон Султонов, Абдужалол Қорабоев ва Носиржон Хасанов каби ишчилар, айниқса, шижоат кўрсатишяпти.

Абдуҳосим МАДАТОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«ЎЗДЭУАВТО» УЧУН ПОДШИПНИКЛАР

Марҳумат шаҳридаги 26-подшипник заводи жамоаси Асакада барпо этилаётган автомобиль қўшма корхонаси учун подшипниклар ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. «Анджонирмаш», «Электрраппарат» заводлари ҳам маъсур корхона учун турли қисмлар, электротехнолояр тайёрлаб беради. (ЎзА).

Божхона бекати

КУЗЬМАНИНГ ҚИРҚМА МИЛТИГИ
Ушлук Кузьма Протопоновнинг қўзлаган «иши» амалга ошмай қолди: Андижон вилояти 12-«Кескан-ёр» божхона пости ходимлари бунга йўл қўймадилар. Унинг машинаси-дан топилган «МК Т03-Н» маркали 5,45 мм қирқма милтиги битта магазин ва 54 дона жанговор ўқ билан Хонобод туман ИИБга топширилди.

БОЖ ТЎЛАШДАН КОЧИБ...
«Келес» темир йўл бекатида навбатчилик қилаётган божхоначилар шу бекатга келиб тўхтаган 6-«Москва-Тошкент» поезддан катта ҳажмдаги тилмаларни тушираётган фуқаролардан тегишли ҳужжатларни талаб қилганларида, улар ер қизиб қолди. Россиядан 48 рулон, умумий қиймати 29480000 рублик тилмалар келтириб, бу ҳақда божхоначиларни огоҳлантирмаганлар. Шу йўл билан тўлашни керак бўлган божни тўламаслигини қўзлашган.

Хозирга тилмалар божхона омборига келтирилиб, текшириш ишлари олиб борилмоқда.

6 ТОННА УН... ТЎХТАТИБ ҚОЛИНДИ
Шу йилнинг 14 январь кунини Фарғона вилояти божхона хизмати ходимлари божхона назорати ўрнатилмаган, яшаринча йўл билан Тошкент-

Янги аъёналар

БУГУННИНГ ШАКАРХОНЛАРИ

Ҳар йили Фарғона вилояти нахтасозларида 200 миңдан ортиқ киши қўл теримида қатнашади. Мана икки йилдирки, шулардан 50 нафари чевар теримчилар муСОБАҚАСИ ғолиби деб топилиб, 30-йилларда донг таратган қувалик машҳур теримчи Шакархон Мўминова номидаги муКОФОТ соҳиб бўляпти.

ЯҚИНДА вилоят ҳокимлиги ҳамда касоба уюшмалари вилоят кенгаши томонидан таъсис этилган ана шу аъёнавий муКОФОТта сазовор бўлганлар «Истиклол» теннис саройининг ҳашаматли мажмуида тақдир этилиб, улар шарафига дастурхон ёзилди. Бу талбирга бешариклик Шарифахон Саримсоқова, бағдодлик Соҳабон Тўйчиева, бувайдалик Шаҳринисо Болтабоева, дангаралик Ражабхон Қурбонова, ёзёвонлик Халиҷахон Акбарова, қувалик Олмахан Мирзақаримова, олтириқлик Дилоромхон Тешабоева, учқўприқлик Халимахан Қўдошевва — жами эллик чевар теримчинини вилоят раҳбарлари, донги кетган санъаткорлар, ижод аҳли қайта-қайта шарафладилар.

Теримчиларнинг ҳар бирига вилоят ҳокимлигининг «Фахрий ёрлиги» билан бирга Қувасой чинни буюмлар фабрикасида тайёрланган шарқона идиш-товоқлар, 1000 сўмдан пул муКОФОТИ, шунингдек, уларнинг имкониятига қараб, баҳорги дала юмушлари бошлангунга қадар вилоятдаги «Рапқон», «Ўзбекистон», «Олтириқ» ва бошқа санаториялар, дам олиш уйларига йўлланмалар берилди.

Н. СОБИР, «Халқ сўзи» мухбири.

Республика ихтисослашган акциядорлик — тижорат банки «ГАЛЛАБАНК»

Ўз акционерларининг йиллик умумий ййгилишини ўтказад.

КУН ТАРТИБИ:

- I. Республика ихтисослашган акциядорлик — тижорат банки «Галлабанк»нинг 1995 йил иш якунлари ва Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг Олий Мажлис IV сессиясида ва вилоятлар халқ депутатлари сессияларида банклар олдида қўйган вазифалари асосида 1996 йилги иш фаолиятининг асосий йўналишлари ҳақида.
- II. Банкнинг 1995 йилги молия-хўжалик фаолияти ҳақида.
- III. Тафтиш комиссиясининг ҳисоботи.
- IV. Банк кенгаши фаолияти ҳақида.
- V. Банк Уставига қиритилган айрим ўзгартришлар тўғрисида.
- VI. Банк устав фонддини ошириш ҳақида.
- VII. Банк кенгаши таркибига ўзгартришлар қиритиш тўғрисида.

Акционерларнинг умумий ййгилиши 1996 йил 24 февраль кунини соат 10.00 да Тошкент шаҳар, «Ўздонмаҳсулот» давлат корпорациясининг катта залида ўтказилади. Мажлис қатнашчилари Тошкентга 23 февраль кунини келадилар ва «Тошкент» меҳмонхонасига жойлашадилар.

Анжуман қатнашчилари 1996 йил 24 февраль кунини соат 8.30 дан 9.45 гача «Ўздонмаҳсулот» давлат корпорацияси биносида рўйхатга олинадилар.

Алоқа учун телефонлар: 56-05-26, 56-22-65, 36-11-05.

ҚАДРЛИ АКЦИОНЕРЛАР!

Ййгилишини тайёрлаш ва ўтказишда сизларнинг фаол иштирок этишларингизни сўраймиз.

Мажлис кун тартиби ҳақида, «Галлабанк» филиаллари ва бўлимлари фаолиятларини янада яхшилаш бўйича, республикамизда иқтисодий ислохотларни амалга оширишда «Галлабанк» олдида турган вазифалар бўйича ўз фикр ва мулоҳазаларингизни умумий ййгилишини тайёрлаш ва ўтказиш комиссиясига билдирасизлар деб умид қиламиз.

«ГАЛЛАБАНК» бошқаруви.

МАНЗИЛИМИЗ: 700060, Тошкент шаҳри, Лоҳутий кўчаси, 36-уй.
«Галлабанк».

"ЎЗБЕКМАШСЕРВИС"

ЎЗБЕКИСТОН - БЕЛОРУСЬ ҚЎШМА КОРХОНАСИ

сўмда пул ўтказиш йўли билан Тошкентдаги омбордан турли модификацияли

МАЗ туркумидаги автомобилларини, МТЗ экскаваторларини, автомобиллар ва тракторлар учун бошланғич бутликдаги:

Д-243, Д-245, ЯМЗ-238-2М двигателларини, АТЗ-10К ёқилги заправкачи машиналарини сотади.

Нархлари завод баҳосидан арзон.

Манзил: Тошкент, Нукус кўчаси, 3-уй.
Алоқа учун телефонлар: (3712) 54-94-11, 54-69-72, 54-99-11, 54-62-43, 54-62-09.
"ЎЗБЕКМАШСЕРВИС" - ҲАМКОРЛИККА ЧОРЛАЙДИ!

1996 йил — Амир Темури йили

Буюк саркарда ва давлат арбоби Амир Темури Самарқанд тарихи ва тақдирини ўрни беқиёс...

Улуғ бобомизнинг ўз овоз юртига, меҳнатсевар халқига буюк Турон давлатининг асосчиси...

Тўйга тараддуд қизғин паллага кирмоқда

чи, Бибиҳоним масжидининг шимоли-шарқий минораси асл ҳолига келтирилди...

нинг тахтда ўтирган ҳолати тасвирланади. Ғури Амир мақбарасини тиклаш ишларига алоҳида эътибор берилган...

Юбилейга бутун дунёдан меҳмонлар келади. Халқимизда меҳмон отангдан улуғ деган гап бор...

халқимизнинг азалий одати. Тантаналарга ҳозирлик кўришида яна қандай ишлар амалга оширилмоқда?

ларини зиммасига барча ишларни жадаллаштириш топширилди.

Юқорида айтилганидек, буюк бобокалонимиз таваллуд тўйи бутун дунёда кенг нишонланади.

учун катта тайёргарлик кўрилмоқда. «Ўзбектуризм» миллий компанияси Самарқанд бўлими бор борада махсус тадбирни ишлаб чиққан...

Юқорида айтилганидек, буюк бобокалонимиз таваллуд тўйи бутун дунёда кенг нишонланади.

Юқорида айтилганидек, буюк бобокалонимиз таваллуд тўйи бутун дунёда кенг нишонланади.



Чортоқ нахша тозалаш заводи қўшиқдаги тўқувчилик ҳисоби тиклаётган болалар, аёллар ва эркаклар кийимлари сифатлигини учун қўчмаликка маъмур бўлмоқда.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

ВИНО РАДИАЦИЯ КУШАНДАС ЭКАН

Янги виночилик илмий тадқиқот институти олимлари қизил вино инсон танасидан радиоактив моддаларни тез ҳайдаб чиқаришга қўл келишини таъкидлашди.

ТАБИАТ ҲАМИ

Кечқурун сопа-соғ уйқура кетган ўн ёшли инглиз Вики Вилмор қаттиқ боши оғригани уйғонди ва шу кундан бошлаб ёшнинг ишонганидан чапа...

Бу унинг ўқитувчилари учун ҳам қўлимга ҳодиса эди. Аввалгилар улар нима қилишларини билмай довлариб қолишди.

Кўнғирроқ жаранги

Ф. Шипунов бошлиқ россиялик бир гуруҳ олимлар черковларда оқиман катта-кичик кўнғирроқ жаранларнинг табиатга таъсирини ўрганишди.

Миннатдор қалб изҳори

Ўқсик қалбимизга малҳам бўлди

Мен афгон ерларидан 1982 йилда қаттиқ жараҳатланиб қайтдим. Ҳозирда II-гуруҳ ногиримман.

Яқинда моддий ёрдам сўраб, Ўзбекистон жангчи-фахрийлар бирлашмасига мурожаат қилдик.

Абдуқамом АБДУСАТТОРОВ, С. Раҳимов тумани.

Қишининг қор-қировли қунари бўлишига қарамай, ҳар шанба-якшанбада куннинг кўзи йилтираши билан ётоқхонадаги каталакдек ҳонамизнинг эшиги таққалайди.

— Ака, юринг, бир киши етишмапти, анув стадионга чиқиб тўп тепамиз.

— Оббо, яна кета харид қилиш эсимдан чиқибди-я, — дейишим ҳамон ташриф буюрувчи кўп сўзлар: «Кечини йўқ, бизда бор дейимиз, варагача турасиз»...

У ҳам берк. Бўшаганча, шилша деворига суяниб, ичкарига мўра-ланди. И-я, пештахталар бум-бум-ку, Кашфиёта дуч келган...

ГАНТЕЛМИ, ТОГОРА?

ФЕЛЬЕТОН

Кинчи каватга имо қилаётганимиз англадим. Спорт моллари дўконини озми-овқат дўконига айлантириш...

— Иў-е, яшириб қўйганингиз бўлса, олинг, илтимос, 38-размер ва...

АНДИЖОНДА ҚИРҒИЗ МАДАНИЯТ МАРКАЗИ

Андижон вилоятида кўпмиллатли республикамиз фуқаролари қатори 70 миңгадан зиёд қирғизлар ҳам халқ ҳўжамизининг турли соҳаларида ҳалол меҳнат қилмоқда.

Вилоятда ушбу миллатта мансуб ёшларнинг ўз она тили ва урф-одатларини янада кучурок ўргатиши учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Айни пайтда Андижонда қорей, уйғур, арман миллий маданият марказлари ишлаб турибди.

"Аль-Пари-Холдинг"

кўшма корхонаси "Клауде Мишель" эркаклар курткаларини сотади. (Бельгия маҳсулати).

Узбекистон Республикаси Олий Мажлиси раҳбарияти ва Котибияти Котибиятининг масъул ходими Д. Қодировага отаси Халла ИҶДОШЕВНИНГ вафоти муносабати билан чуқур таззия изҳор этади.

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бир пайтлар доим буларди. Прибалтикадан келтирилди. Ҳозир ўзимизда ишлаб чиқарилаётган ака. Хатто спорт моллари базалари ҳам бум-бум...

— Бу ерда «Улкер», йў-е, «Урал» велосипедлари бўлуси эди, — дея гуздандим. Пул сана билан овоза сотувчи бош бармоғини нуқрагана, тепага ишора қилди. Дастлаб, тушунмай, шифтга қарабман, шу унинг ик-

БЎЛИМЛАР:

Парламент 33-57-34; Халқар 33-07-48; Қишлоқ ҳўжамиз 36-07-94; Иқтисодий 36-36-65; Маънавият 36-35-60; Аxbорот 36-29-89; Туғи муҳарририят 33-10-28.

— Уелим, спорт моллари бизда танқис экан. Ушб кета ҳам, «Адида» ҳам бизда ишлаб чиқарилмаган экан. Тошкентнинг энг катта дўконларини кўрдим, йўқ, базалари хатто мол йўқлигиндан ёпилиб кетибди...

— Уелим, спорт моллари бизда танқис экан. Ушб кета ҳам, «Адида» ҳам бизда ишлаб чиқарилмаган экан. Тошкентнинг энг катта дўконларини кўрдим, йўқ, базалари хатто мол йўқлигиндан ёпилиб кетибди...

Халқ Сўзи Народное Слово logo and address information.

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси.

Бош муҳаррир: Анвар Жўрабоев.

Манзилимиз: 700000, ГСП Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.

Манзилимиз: 700000, ГСП Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.